




Хар йилнинг 20 апрелида Германия полициясидан хушёрлик кўпрок талаб килинади. Сабаби, бу санада Адолф Хитлер тугилган (аслида Хитлер деб ёзиш тўғри, чунки бизга рус тилидан Гитлер номида кириб келган - муаллиф). Германияда иккинчи жахон урушида бир неча миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлган, янги тарихдаги энг жирканчли шахснинг тарафдорлари хали ҳам топилади. Хусусан, 2011 йилнинг кеч кузида Германияда НСУ (Национал Социалистичесер Унтергрунд) деб ном олган агрессив миллатчи яширин ташкилот борлиги маълум бўлди. НСУ аъзолари 10дан ортик хорижликларни (кўпчилиги турклар) отиб ўлдирганлари фош этилди. Бу ташкилот ҳозирда Германияда рўйхадан ўтган НПД (Немис Миллатчи Партияси) томонидан қўллаб келиниши ҳеч кимга сир эмас.

Адолф Хитлер Германияда жуда қўп ўрганилган шахслардан биридир. Унинг шахси ҳақида бир неча минглаб адабиётлар ёзилган, илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аҳамиятлиси, у хали ҳам Германия матбуотидан бош мавзуларидан бирига айланган. Бу ҳолатни икки хил тушуниш мумкин. Биринчиси, немис ҳукумати оммани Хитлернинг жинойатларини унутмасликка ундамоқчи. Иккинчиси, Хитлер ҳақида қўп этилган мақола газета ва журналлар жуда қўп сотилади. Табиийки, бунинг молиявий фойдаси бор. Германияда Хитлернинг шахсига кизиқиш хали ҳам юқоридир. Биз Адолф Хитлерни

фашистлар отаси сифатида яхши билсакда, аммо унинг шахсий хаёти хакида жуда кам маълумотга эгамиз. Куйидаги мақолада ўта зиддиятли шахснинг келиб чиқиши ва унинг “Учинчи империя” гоёси хакида фикр юритамиз.

Адолф Хитлер 1889 йилнинг 20 апрелида Австриянинг Германия билан чегарадош Браунау шахрида тугилган. Унинг отаси Алоис Хитлер божхона хизматчиси, онаси Клара Хитлер эса уй бекаси эди. Унинг муштумзўр отаси 1903 йил, онаси эса узок касалликдан сўнг 1907 йил вафот этади. Хитлер ёшлигида санъат соҳасига кизикади ва рассом бўлиш мақсадида 18 ёшида Австрия-Венгрия империяси пойтахти Вена шахридага санъат академиясига ўқишга топширади. Аммо у “етарлича талантга эга эмаслиги” туфайли икки марта имтихондан ўта олмайди. Унинг рассом бўлиш орзуси шунчалик кучли эдики, ўқишга киролмасада Венада қолиб, кўча ва гавжум майдонларда ўзи чизган расмларини сотиб кун кечиради.

Австрия-Венгрия ўша даврда кўп миллатли империя бўлиб, у ерда немис тилида сўзлашувчилар ўзларининг янги миллатчилик гоёлари билан чиқа бошлаган эди. Яъни, немис халки - “олий ирк” тушунчаси кенг таркалаётганди. Чунки иктисодий инкироз кучайиб, империянинг таназзулга юз тутиши экстемистик-миллий гоёларни тарғиб қилувчи гуруҳларга йўл оча бошлаганди. Адолф Хитлер ҳам немис миллатчи гуруҳларига аъзо бўлиб, унинг таъсири остида, ўзининг миллатчилик - “Буюк Германия” гоёсини шакллантиради. Сиёсат оламига кириб бораётган Хитлер бирданига рассом бўлиш орзусидан воз кечади ва 1913 йилда Австрия-Венгрия армиясига хизмат қилишдан бош тортади. Ўз тили билан айтганда “хақиқий немислар юрти” бўлмиш Германияга, Мюнхен шахрига кетади. Биринчи жаҳон уруши бошланганида у Бавария кўшинлари сафига кўнгилли аскар бўлиб кириб, урушда фаол иштирок этади ҳамда бир неча бор жароҳат олади. Уруш давомида “кўрсатган жасорати учун” 1 чи ва 2 чи даражали темир хоч билан тақдирланади.

Германия империяси биринчи жаҳон урушда енгилгандан сўнг, Хитлер сиёсатга янада чуқуррок шўнғийди. Боиси, у уруш вақтида ўзининг нотиклиги ва ташкилотчилиги билан кўпчиликка танилиб бўлган эди. 1921 йилда Хитлер бир неча сафдошлари билан Мюнхен шахрида “Немис ишчилар партиясини” тузади. Ўзи партия раиси этиб сайланади. Унинг партияси тез орада катта муваффақиятга эришади ҳамда бошқа миллатчи партиялар билан бирлашиб Бавария ўлкаси сайловларида кўп овозга эга бўлади. Чунки бу партиялар консерватив халқнинг миллий гурурини оловлантира олган, бунда Хитлернинг шахси ва унинг нотиклик санъати муҳим рол ўйнаган эди. Унинг мақсади нима қилиб бўлса ҳам тезда ҳукуматга эга бўлиш эди. Шунинг учун унинг бошчилигида миллатчи гуруҳлар 1923 йили Мюнхендаги ҳукуматга қарши давлат тўнтаришини ўтказишга ҳаракат қилишади. Тўнтариш амалга ошмай қолади ва Адолф 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Хитлер қамоқдалигида ўзининг бутун дунёқарабини акс эттирган “Мейн Кампф” (Менинг мужодалам) китобини ёзади. Бу китобда Хитлер миллий-социалистик ва фашистик гоёларни тарғиб қилиб, немис халқини марксист-большевикларга қарши курашга қорлайди ҳамда немис халқини “олий ирк”ка мансублигини таъкидлаб, яҳудийларни тағ-томири билан кириб ташлашни талаб қилади. Бунинг ҳосили шуки, орадан кўп ўтмай 50 миллион инсоннинг умрига зомин бўлган иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтди. Урушда фашистлар инсоният тарихида мисли кўрилмаган жиноятларни

содир этишган. Жумладан, одамларнинг концентрацион лагерларда тириклайин куйдирилиши, ёш болалар билан хар-хил жаррохлик синовлар ўтказилиши ҳамда она-болаларнинг газ бункерларида ўлдирилишидир.

Шу ўринда, Хитлер нега айнан яхудийларни ёмон кўрган, деган савол тугилиши табиий. Унинг антисемитик гоялари, Вена кўчаларида рассомлик билан кун кечириб юрган вақтида пайдо бўлган. Ўша вақтларда Венада “Германизация” – Немислаштириш ҳаракати пайдо бўлиб, у яхудий, чех, славян ва хоказоларга қарши идеологик кураш бошлаган эди. Биринчи жаҳон урушида Германия мағлуб бўлади ва Версалда шармандали келишувга имзо чекади. Хитлер энди кўп миллатли эмас, бир миллат, яъни, “ориёр–иркли” енгилмас миллатни пайдо қилиш керак, деб тушунади. Унингча бу ирк - “Ориё-немис ирки” эди.

1919 йилдан бошлаб Хитлер “ориёр-ирки”нинг Европадаги асосий максоди – биринчи навбатда ер юзини яхудийлардан тозалаш, деб таъкидлайди. Бунга сабаб, бу бир тарихий зарурат бўлиб, унда ориёр-ирки ҳамда яхудийлар дунё ҳукмронлиги учун курашни бошлаганди. Киёматдаги “апокалиптик охири жанг”да ҳам мана шу икки миллат ҳукмронлик учун майдонга чиқиши мумкин эди. Хитлернинг фикрича, буни олдини олиш учун яхудийларни ҳозирдан бошлаб ер юзидан тозалаш лозим ва дунёда битта ҳукмрон ирк – Ориёрлар бўлиши керак. Совет Иттифоқи Хитлернинг фикрига кўра, славян-осиёлик танадан ва яхудий калладан иборат бир махлук эди. У немис миллати учун келажакда катта хавф соларди.

Баъзи мақолаларда Хитлернинг оиласи ҳам яхудийлар оиласи эканлиги тахмин қилинади. 1932 йил генеалоглар Хитлернинг авлодларини текшириб, унда яхудий қони йўқлигини тасдиқлашган. Бундай “текширув”ларга ишонч бўлмасада, унинг яхудийларга тааллуқли жойи борлигини исботловчи далил ҳам йўқ. У яхудийларни қанчалик ёмон кўрмасин, 1938 йили онасини даволаган бир яхудий шифокорни оиласи билан Австриядан АҚШга кўчиб кетишига шахсан ўзи бош-қош бўлган экан.

Адолф Хитлер 1924 йили муддатдан аввал қамокдан озод этилади. Шундан сўнг у бутун Германия Миллий Социалистик ишчилар партиясида асосий рол ўйновчи шахсга айлана бошлайди ва тез орада унинг етакчиси бўлади. Унинг партияси учун 1929 йилги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг катта имконият очилади. Дунёнинг бошқа давлатлари қаби Германия иқтисодиёти ҳам бутунлай инқирозда бўлиб, миллионлаб ишсизлар мавжуд эди. Миллий-популистик шiorлар билан 1932 йил июль ойидаги бутун немис сайловларида НСДАП (Националсоциалистическе Арбеитспартеи – Националсоциалистик ишчи партияси) энг кўп овоз олади. Чунки бошқа ҳамма партиялар ўз ишончини йўқотган, қолаверса, халқ учун Интернационализм ва Социал-Демократиядан кўра миллатчилик шior, ваъдалари янгилик эди. Адолф Хитлер эса, қонунга мувофиқ, Германиядаги ҳукумат бошлиқи Рейхсканцлер – бош вазири бўлади. Аммо у ҳали катта сиёсий қучга эга эмас эди. Сабаби, Парламентда ракибларининг – бошқа сиёсий партиялар, айниқса, коммунистик партиянинг роли анча қучли ҳисобланарди. 1934 йил август ойида Германия президенти Хинденбург вафот этгач, Хитлер аввал ўз ракибларини, шу жумладан Коммунист Энгст Телманни ликвидация қилади ва бутун немис армияси қўмондонлигини қўлга олади. Шундан сўнг у президент ва Канцлер амалини

бирлаштириб “Фухрер унд Реичсканцлер” яъни, Дохий ва империя бош вазири номини олади. У бутун куч ишлатар тизимларни ўз атрофида йигиб, ўз шахсига мужассамлантиради. Шундай қилиб миллатчилар Германиясини машхур тўртлик ўз қўлига олади: Хитлер – Фюрер; Хейнрих Химмлер - ички ишлар вазири, шу жумладан, Гестапо (давлат махфий полицияси), СС (Мудофа гуруҳи), СД (хавфсизлик хизмати) СА (оператив бўлим) бошлиғи; Жозеф Гоббелс - Пропаганда Вазири; Херман Горинг эса хаво кучлари ва харбий денгиз флоти вазири.

Хитлер Давлат тепасига келгач, халқ орасида жуда тез обрў эътибор қозонади. Чунки у халқни ҳам қорнини ҳам миясини алдайди. У биринчи жаҳон урушида эзилган немис халқини ўзининг олий ирқ гоёси билан руҳлантира олади ҳамда Германия жуда тез суратларда иктисодиётини тиклаб, ишсизлик қамаяди. Хитлернинг иктисодий режаси кўра, аввал сунъий кредит ва векселлар орқали давлатнинг харбий базасини қучайтириш кейин қўшни давлатларни босиб олиш орқали мамлакатни арзон ишчи қучи эвазига тўлдириш эди.

У тарихий зарурат сифатида немис халқига ернинг ноҳақ тақсимланганини вақ қилиб, ўзининг асосий мақсади – агрессорлик сиёсатини аста-секин амалга ошира бошлайди. Хитлернинг енгиллик билан Европани қатта қисмини босиб олишининг қўп сабаблари бор. Бир томондан ғарб мамлакатлари Хитлер ёрдами билан Совет Иттифоқига қарши қурашга умид қўлаган бўлса, совет диктатори Сталин эса, Хитлер билан “ўзаро ҳужум қилмаслик шартномаси” ҳамда шарқий Европа ва Польшани иккига бўлиш махфий қелишуви (1939 йил) орқали ўз мақбасини муштамлашга интилади. У шу билан Хитлерни қўшни мамлакатларга ҳужумига ҳайрихоҳлик қилдиради. Сталин Хитлерга шунчалик ишонган эдики, 1941 йил 22 июнда вермахтинг СССРга қарши ҳужум қилганига унинг ҳеч ишонгиси қолмайди ва буни ғарбнинг наватдаги провоқацияси, деб тушунади.

Биз бу ерда иккинчи жаҳон уруши ҳақида тўхталмаймиз, аммо Германиянинг урушда енгилишининг оддий сабабларини айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, Германия сунъий кредитлар ҳисобига ривожланган иктисоди билан узок уруш олиб қоролмасди. Хитлер “Барбаросса” – Блицкриг (яшин тезлигидаги уруш) режаси билан Совет Иттифоқини босиб олишга тўла ишонади. Уруш унинг ҳисобига кўра 3 ойдан зиёд давом этмаслиги қерак эди. Вермахт қакат Уралгача қориб, у ерда Европани Осиёнинг ёввойи тўдаларидан сакловчи буюк бир девор қуриши қерак эди. Совет Иттифоқи парчаланиб, немис колонияларига айлатирилиши режалаштирилганди. Аммо у Қизил Армиянинг моддий потенциалини назарга илинмаганди. Қолаверса, Жаков Жугашвили (Сталиннинг немис лагерида ҳалок бўлган ўғли) айтганидек, Россиянинг бепоёнлиги ва совуқ қишининг ўзи ҳар қандай душманни енгиб қўярди.

Иккинчидан, Хитлернинг енгилмаслик иштиёқи ва ишончи 1942 йил декабр ойларидаги Сталинград жанглиридан кейин сўна бошласада, у ҳамон немис харбий қучларини ортикча бақоларди. У ўзининг бош уруш тезисларида, “Урушда ҳато қилинмаслиги лозим. Ақлсизларгина икки фронтда жанг олиб қоради”, деб айтар эди. Қутилганидек, 1944 йил ёзида Вермахтга қарши ғарбий ва жанубий фронтлар очилади, яъни, Америка-Англия қўшинларининг Франция ва Италия қирғоқларига қелиб тушишлари билан Германия иққимас, уқ жабҳада қурашишига мажбур бўлади.

Уруш охирлагач Хитлер, хакикатдан ҳам аклдан оза бошлагандек кўринади. Чунки у бутун немис халки Фюрерни сотди, охигача курашмади, деб айблади ва Германияни душман кўлига колдирмаслик учун бутун давлат инфраструктурасини ишдан чикаришга буюради. Боиси, Националсоциализмдан сўнг немис халки яшамаслиги керак эди. 1945 йил 30 апрелда Адолф Хитлер Берлиндаги ўз саройи бункерида узок йиллик машукаси Эва Браунга уйланади ва ўша куни аввал рафикасини, кейин узини жонига касд қилади. Уларнинг жасадлари Канцлер саройида куйдириб юборилади, колдиклари эса 4 метр чуқурликка кўмиб қўйилади (Берлиндаги Хитлернинг собик саройи ва мурдаси ёкиб юборилган жойининг ўрнида хозир Яхудийлар учун Холокауст ёдгорлиги ўрнатилган).

Хитлернинг суяк колдиклари сақлангани хакида кўп дискуссиялар мавжуд. Баъзи манбаларга кўра, колдиклар руслар томондан қовлаб олиниб, аввал Германиянинг Сачсен-Анхалт ўлкасидаги ўрмонларидан бирига қўмилган, кейинчалик у ер янги миллатчилар учун қадамжой бўлиб қолмаслиги учун яна қазиб олиниб, Москвадага КГБ Архивида сақланар экан. АКШ олимлари Совет Иттифоқи кулагач, Хитлер бош қаногини сақланиб қолган бир парчасини текширишга муваффақ бўлишади. Лекин улар бош қанокни бир аёлга (яъни Хитлернинг рафикаси Эва Браун бўлиши мумкин) тегишли эканлигини таъкидлашмоқда. Аммо бу ҳам аниқ исботланмаган кўринади, чунки руслар бу фикрни қатъий рад этиб қелишмоқда. Хар холда бу ҳам бир сиёсий ўйин бўлиши мумкин. Сабаби, Хитлерни ўлик ёки тиригини ҳеч қим қўлга қиритмаган, у том маънода ликвидация қилиниши шарт эди. Қарангки, Хитлерники деб ҳали тўлиқ исботини топмаган бир парча бош қаногини ҳам бутун бир қатта мунозарага сабаб бўлмоқда.

Олдин таъкидлаб ўтганимиздек, баъзи бир немис миллатчилари ханузгача Хитлернинг домидан қутулганларича йўқ. Унинг гоёлари айнан хозирги миллатчилар фикрлари билан ҳамоҳангдир, яъни, мамлакатнинг хар қандай иқтисодий-ижтимоий муаммоларига чет элликлар ва мигрантлар айбдордир. Германиянинг шарқий (собик ГДР) ўлкалари чекка қишлоқларига боришга, бу ерда яшаётган хар қандай хорижликни юраги дов бермайди. Чунки у ерлар расмий немис ҳукумати тан олмасида, ўша миллатчи гуруҳлар қўлида бўлиб қолмоқда. Холбуки, баъзи бир немислар ўзларининг яқин авлодлари қилган жиноий ўтмишларидан ҳалигача ҳулоса қилиб олмаганлар. Улар хар қандай гоёни виждон эркинлиги билан ҳаспўшлашга ҳаракат қилишади. Нацист Ҳаво Қучлари Вазири Херманн Горингдан, миллионлаб қурбонлар учун виждонингиз олдида қандай жавоб берасиз, деб сўрашганда, шундай деб жавоб берган экан: "Менинг виждоним йўқ, менинг виждоним Адолф Хитлер!"

Ифтихор Шомуродов
Берлин, Хумболдт Университети